

# Қишлоқ ХАЖЖАТИ

1988 йил 26 август

ЖУМА

№ 194 (4.390)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади

Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади

Баҳоси 3 тийин

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

## МАСЪУЛИЯТ ОШИДИ

КПСС Марказий Комитети «Саратов области партия, совет ва ҳўжалик органларининг чорвадорларнинг юксак унумли меҳнати учун шарт-шароитларни яратиш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш соҳасидаги ташкилотчилик ишлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Қабул қилинган қарорда қайд этиб ўтилганидек, Саратов областининг партия, совет ва ҳўжалик органлари КПСС Марказий Комитети билан ҳўкуматнинг озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга доир қарорларини бажара бориб, аввало чорвачилик тармоғи ходимларининг юксак унумли меҳнати учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш йўли билан чорвачиликни ривожлантиришга эътиборни кўчатирилди. Янги иқтисодий муносабатларни, ҳўжалик ҳисобини, коллектив ва оилавий пудратни, ижарани ўзлаштириш йўлида амалий тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Қишлоқни социал ҳўхўддан қайта куриш тармоқ программаси амалга оширилмоқда. Шу беш йилликда агросаноат комплексининг ноишлаб чиқариш соҳасига 25 процент кўп капитал маблағ ажратилди. Куриш индустрияси ва маҳаллий бинокорлик материаллари саноатининг қувватлари оширилди.

Натижада уй-жойлар, мактаблар, мактабгача тарбия болалар муассасалари қурилиши планлари анча ошириб бажарилди, ишлаб чиқаришда маийн турмуш шартини яхшилади. Катта-катта фермалар ва комплексларда чорвадорларнинг минтагадан кўпроқ уйи фойдаланишга топширилди, бу уйлар ташкилотчилик ишлари ва одамлар билан тарбиявий ишлар олиб бориладиган марказлар бўлиб қолди. Бу ерда қарларнинг қасбдор ва иқтисодий ўқиши олиб

борилмоқда, фермаларнинг ходимларига медицина, савдо ва маданий-маийн хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Чорвадорлар ўртасида ташкилотчилик иш кўчатирилганини, уларнинг меҳнати ва турмуш шартини яхшилаш ҳақида гапмуҳўрилик қилинганлиги тармоқни ривожлантиришга икунинг таъсир ўтказмоқда. Гўшт ва сўт етиштириш ўртача йиллик миқдорини сезиларли равишда кўпайди, ана шу маҳсулотларни марказлаштирилган фондларга етказиб беришга бўлган давлат буюртмалари бажарилмоқда. Саратовда ва областнинг йирик саноат марказларида чўча, гўшти, парранда гўшти, туҳум, сўт маҳсулотлари давлат нарҳларида магазинларда сотилмоқда. Гўшт маҳсулотлари билан кооператив асосда савдо қилиш яхшилади. Бундай маҳсулотларни жон бошига истеъмол қилиш кўпайди.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети областда амалга оширилаётган ишларини ва эришилган натижаларини етарли деб эътибор этиб бўлмаганини қайд этди. Бу ерда вужудга келтирилган кўдратли ишлаб чиқариш-иқтисодий потенциал асло чўча-тўкини ишта туширилмаган. Чорва ва парранда маҳсулотларини пастлигича қолмоқда.

Колхоз ва совхозларнинг анчагина қисмида маҳсулот етиштиришнинг белгиланган ўсиши таъминланмапти. Кейинги икки йил ичида уларнинг қўнчилиги давлат

га чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан шартномавий мажбуриятларини бажармадилар.

Чорвадорларнинг меҳнати ва турмуши учун ҳали ҳамма жойда ҳам зарур шарт-шароитлар яратилмагани қўлдоқнинг асосий сабабидир. Бир қанча партия комитетлари, совет ва ҳўжалик органлари ҳўжалик юртининг оқилона формаларини, коллектив, ижара пудратини ўзлаштириш борасида чорвадорлар коллективлари билан ишлашнинг муҳимлигига етарли баҳо бермаптилар. Қўнгина раҳбарлар ва мутахассислар чорвадорларнинг ва уларга хизмат қилувчи кишиларнинг меҳнатини ташкил этишнинг пудрат формаларига ўтишларига қаршилик кўрсатмоқдалар.

Чорвачиликда интенсив технологиялар, меҳнатни ташкил этишнинг илгор формалари сенилик билан жорий этилмоқда, қўл ишлари удуши ҳамон юқори даражада қўлмоқда.

Областдаги қўнгина фермалар юқори сифатли ем-хашак билан таъминланмаган. Озуқа экинлари, шу жумладан сугорма ерлардаги озуқа экинларининг ҳосилдорлиги секинлик билан ошмоқда, табиий пичанзор ва ўтлоқларни яхшилаш ишлари етарлича суръатлар билан олиб борилмапти. Ҳўжаликларда пичан омборлари амалда йўқ, ем-хашакнинг сифати паст. Озуқани қайта ишлаш масалалари ҳал этилмаган.

Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун чорвачилик комплексларининг қувватларидан, шунингдек саноат корхоналари ва ташкилотларининг ёрдами қишлоқ ҳўжалиги, граждандарнинг шахсий ҳўжалигининг имкониятларидан чўча-тўкини фойдаланилаётгани йўқ. Аҳоли

1988 йил июль Пленуми қарорларини пропаганда қилиш учун идеология активлари, ҳўжалик раҳбарлари ва мутахассислар, совет, касса союзи ва комсомол ходимларининг масъулиятини етарли даражада оширмаптилар. Улар фермаларнинг меҳнат коллективларида камдан-кам бўлмоқдалар, уларга кечиктириб бўлмайдиган ва зифаларини ҳал этишда ўз вақтида амалий ёрдам бермаптилар.

КПСС Марказий Комитети КПСС Саратов области комитетига, шаҳар ва район комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига, халқ депутатлари област, шаҳар ва район Советларига, ҳўжалик органларининг раҳбарларига XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленумининг мамлакатда озиқ-овқат масаласини ҳал этишга оид талабларига амал қилиб, чорвачилик ходимларининг куч-гайратини гўшт, сўт ва бошқа маҳсулот етиштиришни кўпайтириш суръатларини мадаллаштиришга қаратиш таъмин этилди. Токи, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мустаҳкамлашга қўлмай, айна вақтда бу иш анча яхшиланиши, озиқ-овқат маҳсулотларини марказлаштирилган фондларга барқарор етказиб берилиши таъминлансин. Шу массада тармоқ ходимларининг юқори унум билан меҳнати қилиши учун зарур шарт-шароит яратиш юзасидан тўлланган тажрибадан актив фойдаланилсин, ҳўжалик ҳисобини, коллектив пудрат, ижара, замонавий технологиялар, комплекс механизация кенг жорий этилсин, қўл меҳнати каймайтирилишига эришилсин. Қишлоқда меҳнат ва турмуш шартини яхшилашга озиқ-овқат муаммосини муваффақиятли ҳал этишнинг фойдаланиши омили сифатида алоҳида эътибор берилсин.

Партия, совет ва ҳўжалик органларига етиштирилган озиқ-овқат билан тугаллаш, ем-хашак тайёрлаш суръатларини ошириш, барча қишлоқ ҳўжалик маҳсулотини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишга оид узил-кесил чора-тадбирлар қўриш тақлиф этилди.

Келгуси чорва қишлови даврида чорвадорлар, мутахассислар ва раҳбарларни чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказишга, эришилган даражага қўшимча равишда чорвачилик маҳсулотини олишга сафарбар этишда социалистик мусобақанинг роли оширилсин, бу ишга кўпроқ ошқоралик ва мусобақалашув руҳи берилсин. Чорвадорларга медицина, савдо ва маданий-маийн хизмат кўрсатиш яхшилансин.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар, округ ва район партия комитетлари колхозлар, совхозлар, агросаноат комплексининг бошқа корхоналари, комплексга хизмат кўрсатувчи тармоқлар меҳнат коллективларида фермаларни қишлоқ мавсумига ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш, чорвадорларнинг юксак унум билан меҳнат қилиши учун ҳамма жойда яхши шарт-шароит яратиш юзасидан зарур ташкилотчилик ва сиёсий ишларни амалга оширишлари зарур. Қарларни иқтисодий ва профессионал тайёргарликдан ўтказиш, уларга ишлаб чиқаришнинг интенсив методларини, ҳўжалик ҳисобини, ижара пудратини ўргатиш йўлга қўйилсин. Токи, кам харajat билан гўшти, сўт ва бошқа маҳсулот етиштиришни анча кўпайтиришга ҳамда шу асосда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни анча яхшилашга эришилсин.

— Коллектив пудрат ҳосилдорлик омили, — дейди Қўнбеш номи колхоз (Йўлбоғ району) бригадаси бошлиғи Аҳмад Ойдинов. — Шу усул шарофати билан бригаданимизда меҳнат интизоми мустаҳкамланди, деҳқонлар пировад натижадан меҳнатдорликни билган ҳолда астойдил ишлайдиган бўлдилар. Эъдиликда барча агротехника тадбирлари ўз вақтида, сифатли бажарилмоқда. Одамларни тегарга, юқоридан кўрсатма кўтиришга ҳўжат қолмади. Дарҳақиқат мансур коллектив ҳўжаликдаги илгорлардан савалди. Бу ерда ҳар йили оқ олтиндан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Жорий йилда ҳам 80 гектар майдондан баракали ҳосил олиниши кўламоқда. Миришонлар бунинг учун пухта замин-тайёрладилар. Бу албатта пудратнинг шарофати, эмин-эрикин ишлашнинг ҳосияти. Бригада уч аснога бўлинган. Уларга Исомиддин Равшанов, Салим Орипов, Маннон Қўрбоновлар бошчилик қилмоқдалар. Айни кунларда пудратчилар гўза парваринини бўшаштирган ҳолда йилгил-теримга пухта шайланмоқдалар. Ниҳолларда дастлабки чаноклар дўппи-дўппи очилди. Механизаторлар Тўлиқ Самиев ва Пўлат Худойкулов зангири келамаларни алақачон шай қилдилар. Пайкаллар бегона ўтлардан тозаланиб, машина теримга мосланмоқда. Ҳосилнинг асосий қисми агрегатларда терилди. Ана шунда пудратчиларнинг даромади янада салмоқли бўлди. Бригада миришонлар билан йил давятига 226 тонна юқори сифатли хом аёш топширадилар.

С. ИСОМИДИНОВ.  
**ДЕҲҚОНЧИЛИК АХБОРОТИ**  
**ЭЛЛИҚҚАЛЪА**  
«Қириқизобод» колхозинда бу йил гўза зараркунадаларига қарши тўлиқ биологик усулда курашилди. 2.000 гектар майдондан ниҳолларга беш марта шу тартиқда ишлов берилди. Илгор усул дастлаб уч йил аввал қўлланилганда, қишқа мўддат ичида ўз афзаллигини намойиш этди. Бу айниса пудратчиларга жуда маъқул бўлмоқда. Айни пайтда 63 та оила правление билан ўзаро шартнома тузиб, пудрат асосида меҳнат қилапти. Рейнбой Худойбергенов, Аҳмад Ражабов, Эпикон Қўрбонов, Нурулла Абдуллаев, Эгамберди Қўчқоров оилалари гўза парваринини намунали олиб бормоқдалар.  
Б. ДҲСЖОНОВ.  
**ҚАМАШИ**  
Эшқул Қўчқоров бошқик бригада («Коммунизм йўли» колхоз) эрта баҳорда 30 гектар қўриқ ерга лавлаги уруғини қадағлади. Унда баракали ҳосил етиштирилмоқда. Механизатор Дониёр Бобожинов, қолхозчилардан Итломас Иброҳимов, Равшан Яруллин, Абдуҳалиқ Нормуродов, Парда Ҳўроқ дала ишларида фаол қатнашмоқдалар.  
Д. НОРҚОБИЛОВ.  
**ЎЗБЕКИСТОН**  
«Қўзон» совхозининг Мурод Шодмонов бошқарувчилик қилётган 4-булими деҳқонлари 540 гектар майдонда гўза ўстиришгапти. Улар гектардан ўртача 32 центнердан хирмон қўтаришни қўлашмоқда. Мавжуд 8 та бригада ўртасида ўзаро мусобақа кенг йўлга қўйилган. Қодирали Абдуллаев, Назиржон Султонов, Эргашали Иўдошев бошқик бригадалар меҳнат бешлашувининг олдинги сафларини боришайтир.  
Х. ҚИМСАНОВ.

### Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми

# АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ: ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ ИЗВИГА

## КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. П. НИКОНОВ нутқи

Урқоқлар! Республика коммунистлари, агросаноат комплексининг ходимлари кундалик ва келгусидаги ишларини ҳал қилар эканлар ўз ҳаракатларини партия XXVII съезди, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси, Марказий Комитетининг 1988 йил июль Пленуми йўл-йўриқларига мунтазам қиёсламоқдалар, десам хато қилмасам керак.

Ўн иккинчи беш йиллик биринчи ярмининг якуллари апрелдан кейинги даврда партия ишлаб чиққан совет жамиятини ҳар томонлама революцион янгиллаш ва социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни мадаллаштириш стратегияси йўлида амалга оширилаётганлигини далолат бермоқда. Мамлакат экономикаси соғломлашмоқда, у халқнинг энг муҳим эътиёжларини қондириш томон бурлимоқда, ҳўжалик юртининг янги методлари кучайиб бормоқда. Аграр соҳада колхозлар, совхозлар, бошқа корхоналарнинг ҳўжалик ҳисобини ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтказиш актив амалга оширилмоқда. Россия, Белоруссия, Болтиқбўйи республикалари, Ҳўжакилар, Украина, Қозоғистон ва Ўзбекистондаги бир қанча областлар йил бошидан буён янги шариотда ишламоқда, келгуси йилда эса агросаноат комплексининг барча корхоналари ва ташкилотлари ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтади.

Қайта куриш жараёнида жамиятининг бирлиги кучаймоқда, омманинг иқидий гайрати жўш урмоқда. Одамлар қайта куришга ишондилар ва уни чўқурлаштириш учун, революцион ўзгаришларга муқаррар тус бериш учун курашмоқдалар. Бундан буёнги ишларнинг барча йўналишлари юзасидан партия программаси сиёсий позицияни ишлаб чиққан. Бунда сиёсий системани тубдан ислоҳ қилиш вазифарлар, шунингдек, туб иқтисодий

ислохотини давом эттириш ва чўқурлаштириш биринчи ўринга қўйилди. Сизлар Марказий Комитетининг пленумида бугун муҳоқама қилаётган озиқ-овқат масаласи сиёсий реинтеграция учун ҳам, умуман мамлакат учун ҳам энг муҳим ҳаётий масалалардан биридир. Бу масала фақат назарий мулоҳазалар ва план фаразларини сифатида эмас, балки энг аввало аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни қатъий яхшилаш юзасидан амалий ҳаракатлар вазифар сифатида қўндалган бўлди. XIX партия конференциясида ва Марказий Комитетининг йилида бўлиб ўтган Пленумида озиқ-овқат муаммосини ҳал этиш сира кечиктириб бўлмайдиган ва биринчи навбатда ҳал этилиши лозим бўлган вазифарлардан бири қилиб қўйилди.

Маълумки, 1988 йил июль Пленуми бу масала юзасидан Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси ишлаб чиққан тақлифларни маъқуллади ва СССР Министрлар Советига, республикалар, ўлкалар ва областлардаги маҳаллий органларга аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳамма турлари билан таъминлашни яхшилашнинг кенг тартибларини ишлаб чиқариш ва амалга оширишни, шу мақсадда мавжуд барча резервлар ва имкониятлардан фойдаланишни топширди.

Сўнги беш йил ичида мамлакатда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштиришнинг йил сайин ўсиши (гўшт етиштириш 1987 йилда 1982 йил даражасидан 3,5 миллион тонна, сўт етиштириш деярли 13 мил-

лион тонна кўпайди) таъминланаётган бўлишига қарамай, эришилган суръатлар аҳолининг энг қимматли озиқ-овқат маҳсулотларига тез ортиб бориётган тўлов қўбиланиш эътиёжларини таъминлай олмапти. Қўнгина шаҳарларда ва саноат марказларида гўшт маҳсулотлари, сариёғ, сўнги вақтда еса қанди ҳам сотишда нормалашга мажбур бўлимоқда.

Бизнинг интернационал эконимкамизда ҳар бир иттифоқдош республика зиммасида ўз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари, товарлар ва хизматлар билан таъминлаш вазифарлари ҳамда саноат етиштириш ва хом ашёнинг марказлаштирилган фондларини вужудга келтириш юзасидан умумиттифоқ мажбуриятлари бор. Бунда Ўзбекистон агросаноат комплекси ходимларининг роли ҳам катта.

Республика меҳнатқашларни мамлакатни пахта билан таъминлашга ҳал қилувчи ҳисса қўшмоқдалар. Сўнги йилларда бу қимматли хом ашё 4,9—5,2 миллион тонна харид қилинмоқда. Бу умуман мамлакатимизда тайёрланаётган пахта ҳажмининг тахминан 60 процентини ташкил этади. Республиканинг ип-газлама ишлаб чиқаришга қўшаётган ҳиссасини ҳам худди шунча деб ҳисоблаш мумкин. Бу ўз-ўзиндан бўлгани йўқ, албатта, миллионлаб кишиларнинг зўр гайрат билан меҳнат қилишига ва давлатнинг кўп капитал маблағ сарфлашига тўғри келди. Сўнги уч беш йилликдагина республикада деярли 1,5 миллион гектар янги сугориландиган ер ўзлаштирилди. Ҳў-

зир сизларда ҳайдаладиган ерларнинг деярли ҳаммаси сугорилмоқда. Ўзбекистон ССР пахта билан бир қаторда табиий ипақ олиш учун хом ашё етказиб берадиган асосий республикалардан биридир. Республикада эртаги сабабот ва полиз экинлари маҳсулотлари, мева ва узум анча миқдорда етиштирилмоқда ва мамлакатнинг шаҳарлари ҳамда саноат марказларига етказиб беришмоқда.

Қўнгина колхозлар ва совхозлар илгор технологияларни, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усулларини ўзлаштириш, ҳўжалик юртининг юксак даражасини таъминламоқдалар. Бухоро областидаги Калинин номи колхоз (райси Мухтарам Наврўзов), Тошкент областидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» совхоз (директори Рустам Иброҳимович Каримов), шу областнинг Чиноз райониндаги «Октябрь» 40 йиллиги» колхозини (райси Павел Федорович Саудкин) ҳар гектар ердан 35—40 центнер пахта олмақда. Айни шу «Октябрь» 40 йиллиги» колхозини пахта таъминлашга маҳсулотлари билан муҳорина қўшиб олиб бериш яққол намойиш этилмоқда. Бу ерда ҳар гектар ердан 205 центнердан беда пичани, деярли 500 центнер силосиб маккажўҳори пояси, 800 центнер озуқаболлавлани олимоқда. Озуқабон экинларнинг гектаридан 110 центнер озуқа бирлиги миқдорини еттиштирилмоқда.

Машхўр «Чиноз» наслик совхозинда ҳар бир бош сигирдан соғиб олинаётган сўт 4200 килограмдан ошиб кетди. Анджион об-

ластидаги «Савай» совхозинда ҳар ош бош сигирдан 105 бош бузоқ олимоқда, бу ерда ўтган йили ҳар бир бош сигирдан 4008 килограмм пахта сўти олинди, Тошкент областининг «Иваново» совхозинда ҳар 100 бош сигирдан 104 бузоқ олинди, сигирлардан олинган ўртача сўт миқдори 3051 килограммин ташкил этади. Қўриб турибсизки, республиканинг турли зоналарида деҳқончилик ва чорвачиликнинг интенсив юртининг яхши тажрибаси мавжуд. Аммо ҳозирча бу тажрибадан бошқа районлар ва ҳўжаликларда кам фойдаланишмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистоннинг қулай табиий-йиллим шариотини, бу ерда барло этилган ишлаб чиқариш потенциал, жуда катта одам ресурслари ва халқининг маҳорати ҳамда меҳнатсеварлигини қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштиришни ядал кўпайтириш учун тўла фойдаланилаётганинини қўриб кўриш мумкин эмас. Шунинг оқиш айтиш керакин, республика барча имкониятларини ва ресурсларини яхшидан тақсимотида ҳозирча ўнган муносиб жойини эгаллагани йўқ.

Мутахассислар Ўзбекистонда сугориландиган деҳқончилик шариотини ҳўжалик юртига тегишлилик интенсивлик баҳш этилса, бу дон, сабабот ва озуқа экинларидан икки, ҳатто уч марта ҳосил олишга, шу ҳисобдан маҳсулотнинг жуда кўп турларини бирмунча кўпайтиришга имкон беради, деб ҳисобламоқдалар. Сизлардаги илгор ҳўжаликлар худди шундай қишлоқлар, лекин тушуниб бў-

майдаган сабабларга қўра, бу ҳозирча кенг қўлланилмапти. Шуниси ажабланарликки, партия комитетлари, халқ депутатлари Советлари, агросаноат органлари гўё бу муаммонни ҳис этишмай, четдан кузатувчилик ролини ўйнамоқдалар. Ҳолбуки, қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариш тараққиёти жиҳатидан, озиқ-овқат ишлаб чиқариш аҳоли жиҳатидан Ўзбекистон биз ҳозир ва яқин келажакда ҳал қилишимиз лозим бўлган вазифарлардан анча ортида қолмоқда.

Доклада қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш, асосий озиқ-овқат маҳсулотларини аҳоли жон бошига истеъмол қилиш тўғрисидаги рақамлар келтирилди. Бу рақамлар мамлакатдаги ўртача кўрсаткичлардан анча паст ва Озиқ-овқат программаси топшириқларига мос келмапти. Қарангиз, қандай аҳвол юз берапти. Сўнги икки йил ичида республикада гўшт ва сўт етиштириш йилгига ўртача 3,5—4 процент кўпайди. Агар гўшт ва сўт истеъмол қилиш даражасини икки баравар ва ундан ҳам кўпроқ ошириш лозим бўлса, ана шу маҳсулотлар билан таъминланганда аҳолининг ўнлаб ош учун неча йил керак бўлади? Лекин фақат гўшт ва сўт етиштириш соҳасидангина аҳвол ана шундай аҳвал эмас. Айтиш мумкинки, энг қулай шариотда республикада сўнги вақтда мева-резавор мева, полиз маҳсулотларини етиштириш кескин камийиб кетди (17—23 процент), олдинги беш йилликдаги нисбатдан дон етиштириш деярли тўртдан бир баравар камийди.

Ҳозир Озиқ-овқат программасини бажаришда ваъзат ана шундай бўлмоқда. Топ-







Жиззах шаҳридаги «Китоблар уйи»нинг бўлими мудири Абдурахмон Абдураимов соҳа ходимлари ўртасидаги социалистик мусобақа галлобидир. У савдо ишида 20 йилдан бунён хизмат қилмоқда. Белгиланган топшириқларни доимо ортиги билан бажараяпти.

СУРАТДА: А. Абдураимов (ўртада) китобхоналарга зарур қўлланма ва бадий асарлар танлашда ёрдам бермоқда.

У. ҚУШВОҚОВ фотоси.

### ҚИЗИЛҚУМ МАРКАЗИДА ЯНГИ УЙЛАР

Қизилқум чўлининг қоқ ўртасида жойлашган, тез ривожланаётган индустриал марказ — Зарафшонда Ўзбекистондаги энг катта ёшлар турар жой комплекси фойдаланишга топширилди. Шаҳардаги турли корхоналарнинг меҳнатчиларидан 130 ёш оила янги уйларга кўчиб кирди.

Йигит-қизларга ёшлар турар жой комплексини бунёд этишлари учун атиги саккиз ой керак бўлди. Бу уйдан квартира оладиган ҳар бир ёш зәрбдор комсомол объектида минг соатдан ишлаб берди, гишт терувчи, бетончи, дурадгор қасбларини ўрганиб олди. Қелгуси йили бу ерда лойқаси Новосибирскда ишлаб чиқилган яна битта ёшлар комплекси ишга тушади.



Пискент шаҳри йилдан-йилга чирой очиб, ободонлашиб бораёпти. Яқинда бу ерда қад қўтарган республика оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев ҳайкали теварак-атрофга кўри бағишлади.

Б. АЛИМОВ фотоси.

Шоир — ҳақиқат куйчиси. Ҳаёт ҳақиқати қанчалик шиддатли ва ачиқ бўлмасин, шоир уни рўй-рост, мардона ифодалиши шарт. Турли даврлардаги турли сийёсатлар, ўткинчи ҳою ҳавас ва кайфиятлар шеърятга мезон бўлмагани лозим. Ўлмас инсонпарвар гоилар, мангу башарий идеаллар адабиёт ва санъатнинг, шеърининг юраги ва жони, мармуни ва ўлмас руҳидир.

Шукрулло ҳақиқатгўй шоирдир. Унинг ҳақиқатпарастлиги халқчилигидан туғилган. Болаллигидан то ҳозирги кунгача шоир халқ ичида. Ҳаёт табиати кўчмада яшаб келган, биринчи шеърларидан то ҳозирги вақтда донги кетган «Аср баҳси» достонингача бутун ижоди олий гуманистик идеаллар билан сугорилган.

Шукрулло муҳомасини кенг, фикри тийран, доим сезгир шоир. Қуёш соати офтоб ҳарорати ва ҳаракатидан юрб турганидан, шоирнинг қалами ҳам энциклопедия, мурабба, муаммоларга тўла даврга муносиб, балки даврдан бир қадар ўзб дадил юради. Унинг ижодида берпарволик ва лоқайдликдан, юзани, рангсиз тавсифлардан асар ҳам йўқ. Шоир баландпарвоз маддоҳчилигидан, риторика иллатидан мулқоқ узоқ. Қайси Қулиев Шукруллонинг 1987 йилда «Художественная литература» (Москва) нашриётида тийқан «Сайланма»сига ёзилган «Нурли естествод» сарлаҳали сўзбошида шоирни куйдагича таърифлайди:

«Мен Шукрулло билан таъниганимдан ва бир неча муддат суҳбатлашганимдан кейин ўзимга ўзим: унинг

СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОД ҲАҚИДА

асосий фазилати нимадир? — деб савол бердим ва бу саволнинг жавобини топдим: ҳар бир нарсада — сўзлашганда ҳам, юриш-туришда ҳам, шеърларида ҳам бевоситалиги ва ҳақиқийлигидир.

Тўпламга кирган «Қасам нима», «Оқибат», «Виджон», «Дунё ва одамлар», «Ватан ҳақида кўшиқ», «Ўзгаллик», «Она-ер завқини унутма сира», «Қафннинг кўзари», «Покилик», «Мақсад» каби шеърларнинг сарланчаларидан ҳам кўриниб турибдики, уларда олий инсоний фазилатлар, одамзод маънавияти маҳд этилган, инсониярни, шоир руҳини андияларнинг файласуфона донолик билан талқин қилган, ростлик, поклик, инсоф, адолат, садоқат каби тушунарларни таърифлашда оригинал ташбеҳлар кашф этади.

Тўпламнинг ўзига ундаги бош асар «Аср баҳси» достонидир. Икки манзумадан иборат бу асар асар бунёдкор инсон шайига шеърин таронадир.

шаклида ёзилган. Инсон ва экология, инсон ва НТР (фан-техника революцияси), инсоннинг давр, жамият, халқ олдидagi масъулияти — ана шу энг муҳим, энг долзарб мавзун қамраб олган йиринк шеърин асар шеърятимизда воқеа бўлди.

Бир суҳбатдош: — Бу шундай асри, албатта талаб, Диду фаросат ҳам ўзгарган сўзсиз! Аммо шу тафаккур, ақлга қараб Инсоф, эътиқотга Қани, айт? — деб савол берганида иккинчи суҳбатдош бунга жавобан қисқанча жавоб қилади: — Эсин!

Бундай савол-жавоб юзани қараганда галати, ҳатто эриш тулолиши мумкин. Аслида эса, бундай эмас. Умуминсоний масалалар, мангу мавзулар, йиринк баҳслар баддий тафаккур учун, жумладан шеъринг учун табиий бир ҳолдир. Мунозарасиз баҳсиз эмоман тафаккур бўлиши мумкин эмас.

биан Одил Ёқубовга ўқиб беради. Чингиз достонга юқори баҳо беради ва асар Одил Ёқубовнинг сўзбошичи билан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинади. Бироқ, Шукрулло асар устидаги ишнин тўхтатмайдига, дўстларининг, китобхоналарнинг маслаҳатлари, фикр-мулоҳазалари асосида уни мукамаллаштириш боради. Натикжада икки манзума (достондан) иборат «Аср баҳси» «Дунё счасье» номли тўпламга босилиб чикади. Достонин рус тилига Юлия Нейман моҳирона таржима қилган.

Шоир инсонни турли вазиятларда, турли муаммолар гирдобига, турли машаққатлар қаршида кўрсатади, мушкул синовларга иродачасини имтиҳон қилади, бардошини синаб кўради. Инсон руҳи, виджонининг поклиги — шоир учун бош масала.

— Қандай аср бўлса бўлсин-у, аммо, Инсон ҳаётга урмас касри!

нарсаларга қарши ўт очмоқ даркор. Шоир куниниб ёзади: Фожия шундайки, «аллоҳ ўзинин Чакмаси бўлди»га ўргандик аммо! Еки: — Сен яратган атомдан минг бор қудратли Шундай офат борки ундан даҳшатроқ.

Бу — инсоннинг нафси, бутун дунёни Шудир доим барбод қилувчи олчоқ! Достонда уруш ва тинчлик масаласи кенг ёритилган. Муаллиф ядро уруши хавфига қарши изчил курашини гоҳисини илгари суради, замондошча баралла китоб қилади.

Иўқ, сукут сақлама! Қанча ҳайқирсанг, Тинчлик шундайгина бўлар барқарор.

## ҚИЗЛАР, СТАРТГА!

Фаргона районидаги Х. Турсукулов номли колхоз стадионинда ҳозир қизлар палла. Бу ерда Ўзбекистон қишлоқ хотин-қиз ёшларининг XIV спартакиадасига катта тайёргарлик кўриляпти. Бугун хўжалик стадионинда анъанавий спорт анжумани байроғи тантанали кўтарилади.

Бу йилги мусобақаларнинг ўзгача жиҳати бор. XIV спартакиада йилдан йилга ўзгариб бораётган физкультурчи қизлардан тешлари тўққиз иттифоддош республика вакиллари иштирок этадилар. Фаргона ва Водил орасида жойлашган хўжалик қизлари мингга яқин спортчилар қўл қилишга ҳар томонлама тарадуд кўрди.

Қуйдаги мисол кишини ажаблантирмай қўймайди. Стадион қурилиши 1985 йилга қадар битмай қолган. Бу иш тўққиз йилдан бун сугорилган. Кейинги йилларда районнинг ташаббус билан футбол майдонига чим ётказилди, минбарлар остида эса сув ҳаваси ва ювиниш хоналари қурилди. Лекин қолган ишларга маблағ ва материаллар етишмади.

Қисқаси, нафқат республикада, балки Фаргона обласининг бошқа районларида хотин-қизларнинг анъанавий спартакиадасини ўтказишга қодир хўжаликлар топиларди. Аммо касеба союزلарга қаршили спорт ташкилотлари бу йилги мусобақаларни айна шу стадионда ўтказишга қарор қилдилар.

— Бу хабарни эшитиб, гоят хурсанд бўлиди, — дейди Фаргона район партия комитетининг биринчи секретари Қ. Икромов. — Касаба союзи раиобласт Советига бу борадаги тақдиримиз билан мурожаат этдик. Биз бунда нимани назарда тутганим? Хотин-қизлар спартакиадасининг раиобимизда ўтказилиши физкультурча хараекатини қулоқ ёйдирини, спорт-соғломлаштириш ишини янада ривожлантиришга туртки беради. Баҳонада замонавий базаларни борадаги қилиш имконияти яратиларди.

Далиларимиз асосли эди. Шу боис биз тавсия этган тақдирлар қўллаб-қувватланди. Учта пионерлар лагерининг стадионга яқин бўлиши ҳам бунда ўзига хос роль ўйнади. Негаки, кўпгина меҳмонларни бу ерларга жойлаштириш мумкин.

Шуни таъкидлаш зарурики, Фаргона районининг широти жууда мураккаб. Баҳор кеч келиб, кузда совуқ тез тушади. Масалан, ўтган йили йиғин терим айна қизган қунарларда қор ёиб, план 83,6 процентда қолиб кетди. Бундай ҳоллар илгари ҳам кўп рўй берган.

Спорт ишчибозлари бугун очилдаган хотин-қизлар республика спартакиадасини зўр қизқиш билан кутмоқдалар.

В. БУРОВ.

Редактор А. Ф. МУХТОРОВ.

## ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

### ЕРОСТИ СУВЛАРИ ҚИРОЛИ

Мадридда истиқомат қилувчи олтиш йашар Фермин Искуэрдо ҳар кун иккунун балчиқ этиклар ва сув ўймайдиган нимчасини кийиб, гадада ёнувчи қирочқасини ёкада, ер остига тушади. Фермин — Иберия ярим оролида яқка ягона тила изловчи. У Мадриднинг ерости сув йўлларида олтин қидиради. У топган юзлаб қоплама тила тиллар, занжирчалар, медаллар, тангалар, шунингдек, бриллиант қўли узук ва билмақузлар, ҳаммаилар — тинмасиз, машаққатли меҳнатнинг муносиб самараси.

Лекин Ферминнинг иш хавфсиз деб бўлмайдди. Ер остида кутилмаган учрашулар рўй бериши мумкин. Узулиги икки метр келадиган илонининг қирғоққа сузиб чиқётганини кўриб қолганида унинг қандай аҳволга тушганини бир тасаввур қилдинг-а!

Фермин ўзинга рақиб чиқшидан ҳадиксирмайдди. У бу иш билан шуғулланишга маъмурлардан расмий рұқсат олган шаҳардаги ягона кишидир. Бунинг устига Мадридда ҳамма ерости сувларининг қироли деб атайдиган гаройиб бу касб

### ЭГАСИ ТОПГАН БАРЧА БУЮМЛАРИНИ ПОЛИЦИЯГА ТОПШИРИШ УЧУН СЎЗ БЕРГАН.

### ГАРОИИБ БОЖХОНАЧИ

Каракас [Венесуэла] аэропортида гивандалик билан шуғулланувчи кишилардан бири қўлга тушганида алам билан: «Йўлбарс — ҳақиқатан ҳам ҳайвонлар подшоиси», — деди. Уни ушлаб берган гаройиб божхоначи эса бурққада боғлиқ ҳолда ўтирар, тишларини тирмайтириб, бўкирар эди.

Африкадан келтирилган икки йашар йўлбарслардан бирининг одадга қала бўлмаган хизмат билан шуғулланиши шу тартида бошланди. Улар бир ойлик тайёргарликдан сўнг зоологларнинг тавсисин билан боққонна шатига ёзилди. Мутахассисларнинг фикрича, йўлбарсларнинг ҳидин сезиши итлардан қолтишмас эди.

СОВРИН ЧЕТ ЭЛНИКИ

## СИҲАТ-САЛОМАТЛИК БЎЛСИН!

### ҚИШЛОҚ АҲЛИ УЧУН

Пахтабод районидagi Галаганчи 40 йиллиги номли хўжаликлар санаторий-профилакторий ҳолисида — Майлисой дарёси соҳилида шифобахш фаввора отила бошлади.

«Средиземноморье» бирлашмаси мутахассислари қазинган қудуддан натрий, калий тузлари, кремний кислотасига бой бўлган шифобахш сув чиқиб турибди. Бутуниттифоқ курортология ва физиотерапия илми талқинот институтини янги маънабанинг хосалари хусусида ўз хулосасини чиқарди. Шифоқорлар институт тавсияларига биноан асаблари, оқидат ҳам қилиш орталари, жангани ва буғраги хасталаган, қанд касаллигига дучор бўлган кишиларни ана шу сув билан даволамолдалар.

— Республика агросано-

ати ходимлари ҳозир дам олаётган санаторий-профилакторий 60 ўринга мўлжалланган. — дейди бosh врач К. Соттнев. — Яқин келажакда манба олдига 250 кишига мўлжалланган янги корпус бунёд этишга қарор қилинди. Ана шу корпусда оналар болалари билан бирга даволанадиган бўладилар.

### КАСАЛЛИК ВАРАҚАСИГА ҲОЖАТ ЙУҚ

Тошкентдаги 21-поликлиникада профилактика бўлими очилди. Бу ерда беморларга «Сиз ўз соғлигингиз ҳақида нималарни ўйлайсиз?» деган саволни беришди. Мутахассис врачлар қанчалик қараётган касаллар олдинга дастлабки текиштурувдан ўтадилар. Айна вақтда уларнинг ўзи махсус тавбирланган қоғозларга соғлиқларини ҳақиқатида мулоҳазаларини, шикоятларини

ёздадилар. Шундан сўнг врач анализлар натижасини беморларнинг мулоҳазалари, шикоятлари билан солиштириб, диагноз қўйди. Агар керак бўлса, беморни қўшимча текиштурувдан ўтказди.

Медицина кўригининг «Касмон» комплекс системаси тезлик билан, ортинча вақт сарфламай, касалликларни аниқлашга, унинг олдин олинчи ёки зарур даволаш курсини белгилашга имкон беради. Поликлиника яқин атрофдаги барча мактаблар, хўнар-техника билим юрлари, саноят корхоналарига хизмат қилади. «Касмон» системасининг жорий этилиши ҳозирнинг ўзидаки илгарилири тез-тез касаллик варақаларини оладиган кишиларнинг сиҳат-саломатлигига самарали таъсир кўрсатади. Касалликларнинг эрта аниқлаш даволаш самарадорлигини анча оширди.

«СССР халқлари ўртасидаги дўстлик мустақамланависин» мавзусидаги китоб кўргазмалари, биргаликдаги спорт мусобақалари ўтказилди. Қардош республикалар аҳолисининг шундай учрашуларини анъанавий равишда даволаш айланмоқда. (ЎЗАТА).

### «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана. Выходит на узбекском и русском языках.

## БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлими — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Аxbорот ва спорт бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Аxbорот ва спорт бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.